

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИ” фанидан**

**“ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ: МОДЕЛЛАРИ,
ШАКЛЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”**

**мавзусидаги маърузаси
ТАҚДИМОТИ**

Маърузачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов

Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ: МОДЕЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ


Режа:

- 1. Давлат-хусусий шерикчилигининг асосий моделлари ва шакллари ҳамда уларнинг характеристикаси**
- 2. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш**
- 3. Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этиш**
- 4. Иқтисодиётни ривожлантиришда ДХШ роли ва унинг асосий шакллари классификацияси**

Давлат-хусусий шерикчилиги моделлари

Модель	Мулкчилик	Бошқариш	Молиялаштириш
Оператор модели	Хусусий/давлат	Хусусий	Хусусий
Кооперация модели	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат
Концессия модели	Хусусий	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат
Шартномавий модель	Хусусий/давлат	Хусусий	Хусусий
Лизинг модели	Хусусий	Хусусий/давлат	Хусусий/давлат

Ушбу моделлардан бирини танлаш шартнома қайси соҳада амалга оширилади қараб қилинади. Агар шерикчилик лойиҳаларини амалга оширишнинг жаҳон тажрибасини қараб чиқадиган бўлсак, унда конкрет тармоқларда аниқ моделлар энг катта самарага эга эканлигини констатация қилиш мумкин.



Оператор модели кўп ҳолларда чиқиндиларни қайта ишлаш амалиётида фойдаланилади. Унинг асосий характеристикаси хусусий бизнес ва давлат органлири ўртасида албатта давлатнинг назорат функциясини сақлаб жавобгарликни аниқ бўлиш ҳисобланади.



Кооперация

моделни қачонки тегишли солиққа тортишга лозим бўлган конкрет хизматларни аниқ аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатда амал қилади.



Концессия

моделни узоқ муддатли бажариладиган лойиҳаларда қўлланилади ҳамда қачонки мулкчилик ҳуқуқи давлатдан хусусий бизнесга ўтиши сиёсий ёки ҳуқуқий сабабларга кўра истисно қилинади.



Лизинг

моделни ижтимоий биноларни қуриш учун энг мувофиқ келади.

**Молиялаштириш
моделлари**

**Кооперация
моделлари**

**Ташкилот
моделлари**

**Интеграция
моделлари**

**ДХШ
моделлари**

```
graph TD; A[Молиялаштириш моделлари] --> D((ДХШ моделлари)); B[Кооперация моделлари] --> D; C[Ташкилот моделлари] --> D; E[Интеграция моделлари] --> D;
```

Ушбу моделлардан алоҳидаларини тармоқларни модернизациялаш, иқтисодиётни глобаллаштириш ва Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши муносабати билан фақат ўзгараётган ташқи муҳит шароитларига мослаштириш вазифаси турибди.

Демак, масалан, қишлоқ хўжалигида синовдан ўтган техника ва ускуналарни фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб бериш моделидан фойдаланиш зарур.

Техника ва ускуналарни боғдорчиликни модернизациялаш учун лизинг асосида етказиб бериш зарур. Тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ва дастурини ишлаб чиқишда давлат илмий ва таълим муассасалари, ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари (таркибига агробизнес кирадиган уюшмалар) ўртасида шерикчиликнинг янги шаклларини ривожлантириш зарур.

Давлат-хусусий шерикчилигининг асосий шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин: мақсадли дастурлар ва миллий устивор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, концессияга тақдим этиш, эркин иқтисодий зоналар яратиш, технопарклар ва технополислар ташкил этиш, интеграциялашган структураларни, кластерларни ва инвестиция фондларини шакллантириш. Бунда таъкидланадики, ушбу шаклларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва фақат унга хос белгиларга эга.



Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг замонавий моделидан фойдаланиш узоқ ҳудудларда қўлланилиши лозим.



Давлат ва бизнес ўзаро муносабатлари асосида қишлоқ хўжалигида ўсишни таъминлашнинг тайёр рецепти, албатта, мавжуд эмас. Ҳар бир ҳолатда конкрет ҳудуд хусусиятларини, унинг ресурсларини, ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш талаб этилади. Мутахассислар агросаноат мажмуасида давлат-хусусий шерикчилигининг бир нечта долзарб йўналишларини ажратади, улардан алоҳида ҳам, бир бири билан мослаштириб ҳам ҳудуднинг конкрет шароитига қараб фойдаланилиши мумкин.


Давлат-хусусий шерикчилиги шакллари

Давлат	Шерикчилик шакли	Хусусий бизнес
<ul style="list-style-type: none"> - мулкчилик; - сарфлар; - рисклар. 	КОНТРАКТ	<ul style="list-style-type: none"> - даромадда, фойдада барқарор улуш; - имтиёзлар имконияти.
<ul style="list-style-type: none"> - муддат тугагандан кейин мулкчилик. 	ИЖАРА ВА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ	<ul style="list-style-type: none"> - маълум ҳақ эвазига ва вақтинчалик фойдаланишдаги мулк.
<ul style="list-style-type: none"> - мулкчилик. 	<p style="text-align: center;">КОНЦЕССИЯ:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавжуд инфраструктура объектларига; - қурилишга ва модернизациялашга; 	<ul style="list-style-type: none"> - мулкдан фойдаланишга – концессион тўлов; - барча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик қилиш.
<ul style="list-style-type: none"> - мулкчилик. 	<p style="text-align: center;">МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИГА ОИД БИТИМЛАР:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дарҳол 2 қисмга; - инвестор харажатларини чиқариб ташлагандан кейин. 	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат бир қисмига эгалик қилиш; - қайтариб бериш асосида ва маълум муддатга беришда давлат ҳуқуқи.

4.2 Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3175-сонли “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

ЭИЗ фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар тизими шакллантирилди. Айни пайтда республикамызнинг 10 минтақасида 14 ЭИЗ ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, ЭИЗ фаолиятида тўпланган тажриба уларни жадал ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан: 

биринчидан, ўрта ва узоқ муддатли истикболда ЭИЗни ривожлантириш борасида уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг аниқ мақсадларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа мақсадларни белгилайдиган, шунингдек, ЭИЗни ихтисослаштириш бўйича аниқ принцип ва ёндашувлар мавжуд эмас;

иккинчидан, хорижий компания ва фирмаларнинг республика ЭИЗ ҳудудларида ўз бизнесини юритиш учун Ўзбекистонда яратилган қулай шароитларни кенг ёритиш ва бўлажак инвесторларни, биринчи навбатда, хорижда ушбу шароитлар билан таништириш ишлари суств амалга оширилмоқда;

учинчидан, истиқболли лойиҳа таклифларини шакллантириш, чуқур таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадга мувофиқлиги, асослилиги ва рентабеллиги асосида ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун танлаб олиш, лойиҳаларни амалга оширишнинг барча циклларида сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, жумладан, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва якуний мақсадларга эришишни таъминлайдиган ягона яхлит тизим яратилмаган;

тўртинчидан, инвестиция лойиҳалари портфелининг сифати паст, ЭИЗ ҳудудида етакчи хорижий компаниялар иштирокида, аввало, маҳаллий минерал-ҳом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, жаҳонга машҳур брендлар остида экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналар ташкил этиш ишлари суств амалга оширилмоқда, ЭИЗ ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас;

4.3. Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этиш

Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилни етиштиришгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизимини яратди. Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хом ашё етиштириш манбаи саналган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда мазкур усул яхши натижалар бермоқда.

Сўнги ўн йилликда бутун дунёда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишнинг кенг тарқалган усулларида бири – кластер усулидан кенг фойдаланилаётир. Кластер стратегияси Европа иттифоқи томонидан кенг тарғиб қилинапти. Еврокомиссия иттифоқ ҳудудида кластер ривожланишини янада қўллаб-қувватламоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясида 25 та кластер мавжуд. Санкт-Петербург шаҳрида аэрокосмик соҳада, Федерация жанубида аграр соҳада кластерлар фаолият юритмоқда. Хитой Халқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электротехника, маиший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби кўплаб соҳаларда кластер усулида иш олиб борилаётир.

Сирдарё вилоятидаги "Бахт текстиль", "Тошработ текстиль" ва "Навбахор текстиль" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан замонавий ва энергия тежамкор технологик ускуналар асосида кластер усулида сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу кластер иштирокчилари вилоятда пахта толасини чуқур қайта ишлаб, жаҳон бозори талабларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Умумий қиймати қарийб 70 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳалар амалиётга татбиқ этилгач, пахта толаси тўлиқ қайта ишланади. Ип-калавадан тайёр мато ишлаб чиқарилиб, турли матолардан трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Корхоналар ўз маҳсулотларини экспортга йўналтиришни мўлжалламоқда.



4. ДХШни ташкил этиш механизми

ДХШни ташкил этиш механизми субъектларни, улар ўртасидаги муносабатлар объектларни, механизмнинг – шерикчиликни ташкил этишнинг предметли ва жараёнли таркибий қисмларини мантиқий бирлаштирувчи умумлаштирилган категория сифатида субъектив-объектив ўзаро таъсир этиш инструментларни ўз ичига олади. Белгилаб қўйилдики, ҳар бир шаклга уларни амалга оширувчи инструментларнинг маълум йиғиндиси хос бўлиб, уларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан аниқланади: мақсадлар, молиявий-шарт-шароитлар, риск даражаси, норматив базанинг ишлаб чиқилганлиги, тегишли давлат структураларининг мавжудлиги ва уларнинг хусусий сектор билан ҳамкорликда ишлашга тайёргарлик даражаси. ДХШни ташкил этиш шакллариининг мулкчилик таркибига таъсирининг тўртта йўналиши аниқланди: давлат ва хусусий мулк ўзгартирилмаган тарзда сақланади; давлат мулкани қисқартириш юз беради; давлат мулки кенгайтирилади; давлат учун анъанавий соҳаларда амал қиладиган фаолият турларида хусусий мулк улуши кенгайтирилади.

Давлат-хусусий шерикчилигининг асосий механизмлари

Механизм	Лойиҳалаштириш	Қурилиш	Эксплуатация	Мулкчилик
ВОТ	-	Хусусий шерик ҳисобига	Хусусий шерик	Объект ўзини ўзи қоплаш муддати давомида хусусий шерик, кейин давлат
ВООТ	-	Хусусий шерик	Шартнома муддати давомида хусусий шерик	Давлат
Тескари ВООТ	-	Давлат	Хусусий шерик	Хусусий шерик сотиб олиш ҳуқуқига эга
ДВООТ	Жавобгарлик хусусий шерикда	-	-	-
ВТО	-	Хусусий шерик	Объектни давлат қабул қилгандан кейин хусусий шерикка ўтади	Қурилишдан кейин дарров давлатга ўтади
ВОО	-	Хусусий шерик	Хусусий шерик, лекин давлат шарт диктует (объектга эришишни, баҳони тартибга солади, ривожлантириш режасини келишади)	Хусусий шерик
ВОМТ	-	Хусусий шерик	Объектни сақлашга ва жорий таъмирлашга хусусий шерик жавобгарлиги	Давлат
ДВФО	Жавобгарлик хусусий шерикда	Молиялаштиришга жавобгарлик хусусий шерикда	-	-

ДХШ тўғрисида шартнома (битим, контракт)



Рискларни тақсимлаш

Бошқаришга инновацион ёндошув


Солиқлар

Давлат кўллаб қувватлаши

Фойда


Фойда

Давлат молиялаштириши



Инвестициялар

Инновациялар



ДХШ орқали амалга ошириладиган лойиҳаларнинг асосий йўналишлари

Инфраструктура соҳасидаги лойиҳалар

Хизмат кўрсатиш соҳасида лойиҳалар

Коммунал
инфраструктура кури
лиши,
модернизация-лаш

Кўчмас мулк
объектлари
курилиши,
модернизация-лаш

Коммунал
иншоотлар
курилиши,
модернизация-лаш

Аҳолининг кам
таъминланган
қатламини қўллаб
қувватлаш

Таълим ва иш
жойлари

Худуд имиджи

Аэропортлар,
автотрассалар, т/й
тармоқлари, кўприклар,
телекоммуникация
инфраструктураси

Шифохоналар,
мактаблар, уй-жой
фонди, архитектура
ёдгорликлари,
музейлар

Сув-, электр- ва
газ таъминоти,
канализация,
ахлатни қайта
ишлаш

Овқатланиш
ташқил этиш,
молиявий қўллаб
қувватлаш
фондларини
яратиш

Ёшларни иш
билан таъминлаш,
касб таълими,
малака
амалиётини
ташқил этиш

Маркетинг ва
позициялаш,
ташқи жозибатор-
лигини ошириш

*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!*